MUNOSABAT

*Босма нашрлар ҳаёт эҳтиёжи.*

1-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№48 (32690)

# МАТБУОТГА ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ КЕРАК!



**СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 27 ОКТЯБРДАГИ 43-СОНИДА "ГУРУНГ" РУКНИДА ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТ ВА СИЁСАТШУНОС ОЛИМ, ПРОФЕССОР НАРЗУЛЛА ЖЎРАЕВНИНГ ЖУРНАЛИСТ БАРДАМБЕК САЪДУЛЛАЕВ БИЛАН "ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ МАЪРИФАТИ" САРЛАВҲАЛИ МУСОҲАБАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНДИ. УНДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЙИРИК ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИ ҲАМДА РАДИОСИДА ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ КАТТА МАКТАБИНИ ЎТГАН, ҲОЗИРДА ЭСА ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА ЁШЛАРГА САБОҚ БЕРАЁТГАН ТАНИҚЛИ ДОМЛА ВА ЁШ ЖУРНАЛИСТ ЗАМОНАМИЗНИНГ ЎТА ДОЛЗАРБ МУАММОСИ ХУСУСИДА ЎЗ ФИКР-МУЛОҲАЗА ВА ҚАРАШЛАРИНИ БАЁН ЭТГАНЛАР.**

Суҳбатдошларнинг бири босма матбуотнинг мамлакатимиз ривожи, маънавият ва маданиятимизда тутган ўрни ва аҳамиятини яхши тушунган ва ундан сабоқ бериб келаётган устоз ижодкор, иккинчиси эса ёш журналистлар вакили бўлсада, иккаласини ҳам босма матбуотимизнинг бугунги аҳволи ташвишга солаётганини кўрасиз. Аниқроқ қилиб айтсак, суҳбатдошлар газета ва журналларимизнинг умумий аҳволи, уларнинг мазмун ва савияси ҳақида эмас, балки уларнинг молиявий инқирози тўғрисида куйиниб гапирадилар. Босма оммавий ахборот воситаларининг, шу жумладан, сиёсий партиялар газеталарининг адади тобора камайиб, айримлари ҳаттоки чиқмай қўйгани (чунончи, "Голос Узбекистана" газетаси) маданият ва маърифат тақдирига бефарқ бўлмаган кишини ўйлантирмай қўймайди.

Китобхонлик маданияти шаклланган оилалар, фуқароларда газеталарга зарурат туғилиши кузатилади. Афсуски, бу ҳақиқатни тушунмай, электрон ахборот воситалари кенг тарқалаётгани боис, газеталарнинг куни тугади, уларга эътибор бериш бефойда, деган чаласавод тўралар ҳам топилади. Профессор Н. Жўраев бундай ножоиз фикрларга қарши ўлароқ, газета ва журналларни ҳимоя қилиб, "...босма нашрлар ҳаёт эҳтиёжи..." эканлигини таъкидлайди. Бу фикрга қўшилган ҳолда телевидение, радио ва интернет тармоқлари босма ОАВни сиқиб чиқариши муқаррар, деган оппонентларга телевидениенинг ҳаётга кенг кириб келиши билан кино санъати ўлиб кетади, унга эҳтиёж қолмайди, деган даъволарнинг пучлигини ҳаётнинг ўзи исботлаганини эслатмоқчимиз. Кино санъати рақобат кучайган шароитда ривожланишнинг янги поғонасига кўтарилиб, одамларни янги-янги бадиий экран асарлари билан ўзига жалб этмоқда. Айрим калтабинларнинг газеталар сайловолди мавсумидагина аҳамиятли, деган фикрлари ҳам янглишдир, чунки уларнинг вазифаси сайлов жараёнларинигина ёритиш эмас, балки уларга ҳозирлик кўриш, партия электоратини тайёрлашда фаол иштирок этиш ҳамдир. Сайловларга тайёргарлик кўриш бўлиб ўтган охирги сайловдан кейин бошланиши тўғрисидаги қоидани унутмайлик. Босма нашрлар партиянинг охирги сайловда иштирокининг ютуқ ва камчиликларини чуқур таҳлил қилиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларга эътибор қаратиб, тегишли сабоқлар чиқаришга ёрдам беришлари лозим. Янги сайлов мавсумидан анча олдинроқ партиянинг ғоялари ва сиёсатини тарғиб этиш билан тизимли шуғулланишлари, электоратни ташвишлантираётган муаммоларни кўтариб чиқишлари, фуқаролар дуч келаётган салбий ҳолатлар (сансалорлик, қоғозбозлик, коррупция ва ҳ.)ни танқид қилиши уларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шундай экан, сиёсий партиялар ўз газеталарининг иммкониятларидан самарали фойдаланиш учун уларни асрашлари, таҳририятлар, журналистларнинг фаолияти учун барча шароитларни яратишлари (таҳририят учун бино, жиҳозлар, техник воситалар, автотранспорт в.ҳ.) айни муддао бўлар эди.

Оппонентлар босма нашрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўрнига уларни молиялашда хориж тажрибани қўллашни, яъни таҳририятларнинг ўзини ўзи молиялаш усулига тўла ўтишни таклиф этмоқдалар. Аммо афсуски, мамлакатимиздаги мавжуд шарт-шароитлар чет эллардагиларга ўхшамаслигини, ўтиш даврининг қийинчиликлари ҳозирча мавжудлигини, фуқароларимизда газетхонлик кўникмалари сусайганлигини улар унутмоқдалар.

Вазият қийинчиликлар мавжудлигига кўз юммасдан, инқироздан чиқиб олиш йўлларини излаб топишни тақозо этмоқда. Давлатимиз томонидан барча чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, назаримизда, газеталар таҳририятлари ва уларнинг муассислари фақат давлат мададига умид боғламай, молиявий муаммоларни ҳал этишнинг турли йўл ва воситаларини топишлари даркор. Масалан, профессор Н. Жўраев газеталарни тарқатишнинг обуна усулидан маълум муддат фойдаланиш, яъни ташкилот ва одамларнинг матбуот нашрларига обунасини ўтказишни тиклаш ғоясини илгари суради. Биз бу таклифга қўшилган ҳолда, уни олдингилардай мажбурий тарзда эмас, балки оқилона ташкил этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шундай усуллардан бири, масалан, жамоавий обуна бўлиши мумкин. Айтайлик, Ўзбекистон ХДП таркибидаги вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларда партия ҳаётининг кўзгуси ҳисобланган "Ўзбекистон овози" газетасининг бўлиши лозим эмасми? Партиянинг парламентдаги фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолияти учун ҳам газетамизнинг муҳимлиги аён. Шундай экан, ушбу тузилмалар учун обунани ташкиллаштириш тўғрисида қайғуриш, унинг молиявий манбаларини топиш, пешқадамларни рағбатлантириш талаб қилинади. Агар жойларда бу соҳада ижобий тажриба бўлса, уни дарҳол ўрганиб, оммалаштириш лозим.

Таҳририят, ўз навбатида, энг долзарб муаммолар, партия ташкилотлари ва депутатларимизнинг фаолиятини холисона ёритиши, қонунбузарлар, бюрократлар, кўзбўямачилар, порахўр-коррупциячиларни аёвсиз фош этиш орқали газетанинг мазмунини бойитиш, унинг жозибадорлигини ошириш устида тинмай ишлаши лозим. Муҳим сиёсий, ижтимоий, маънавий-мафкуравий масалалар, партия қурилиши, депутатлик тузилмаларининг фаолияти хусусида ЎзХДП раҳбарлари ва депутатларнинг матбуотда режали асосда чиқишларини йўлга қўйиш, баҳс-мунозаралар ташкил этиш ҳам газетамизнинг обрўйини ошириш билан бирга, харидоргир қилиши мумкин.

Хуллас, газетанинг мавжудлигидан манфаатдор барча томонлар (муассис, депутатлик фракция ва гуруҳлари, таҳририят ва журналистлар уюшмаси, маърифатли фуқаролар) бирлашиб ҳаракат қилсалар, босма нашрлар дуч келган қийинчиликларни енгиб чиқиб, уларнинг ролини ошириш мумкин.

**Собир ҚУРБОНОВ,**
**Носир ТОИРОВ,**
**партия ва журналистика фахрийлари.**

МЕДИА-ТУР

**БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АНИҚ БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАН РЕЖАЛАР АСОСИДА ТИЗИМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ХУСУСАН, БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЖРАТИЛАЁТГАН КРЕДИТЛАР АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УМУМАН ОЛГАНДА, АҲОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН ЭРКИН ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШИГА ЗАМИН ЯРАТМОҚДА.**

# „ҲЕЧ ҚАЙСИ ТАШКИЛОТ МЕНГА ИШ БЕРМАДИ

## аммо банк менга ишониб кредит ажратди"

Марказий банк томонидан "Агробанк" АТБ, "Микрокредитбанк" АТБ ҳамда "Халқ банки" АТБ билан ҳамкорликда "Аниқ мақсад, кредит ва ҳаракат: натижа билан жойида танишамиз" мавзуида оммавий ахборот воситалари учун Тошкент шаҳри ва вилоятига медиа-тур ташкил этилди. Медиатурда банклардан олган кредити ҳисобидан ўзини-ўзи банд қилган ҳамда тадбиркорлигини йўлга қўйган аҳоли вакилларининг фаолияти билан яқиндан танишдик.

Медиа-турнинг дастлабки манзили пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманидаги «Умка гарден» МЧЖ хусусий боғча фаолияти билан танишиш бўлди.



Хусусий боғча «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Тошкент шаҳар амалиёт бошқармаси томонидан молиялаштирилган. 2021 йил бошида «Ёшлар тадбиркорлиги» дастури асосида хусусий мактабгача таълим муассасасига моддий-техник базаси учун 33 миллион сўм кредит ажратилган. Болалар боғчаси айни пайтда тўлиқ ишга туширилган.

– Биз учун боғчамиз фаолиятини йўлга қўйиш осон кечмади, – дейди мактабгача таълим муассасаси мудираси Умида Худаёрова. – Анчадан буён шу соҳада ишлаб келганлигим боис, хусусий боғча очишни орзу қилиб юрардим. Шунда ўғлим тадбиркорлик қилиш учун бугун давлатимиз томонидан ёшларга кенг имкониятлар яратилаётганини айтиб, хусусий боғча ташкил қилсак бўлади-ку, деб қолди. Шу мақсадда яқин қариндошимизнинг бўш турган биносини ижарага олиб, уни таъмирлашни бошладик. Хусусий боғчани замонавий, бугунги кун талабига жавоб берадиган даражага етказиш учун ўзимизнинг бор маблағимизни сарфладик. Аммо мебель жиҳозларини олишга имконимиз бўлмай қолди. Шунда ўғлимнинг номига, яъни «Ёшлар тадбиркорлиги» дастури асосида банкдан 33 миллион сўмлик кредит маблағини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштирдик. Банк бизнес режамизни кўраб чиқиб, зарур маблағни ажратди. Молия муассасасининг ёрдами билан хусусий мактабгача таълим муассасасини ишга туширдик.

Ҳозирда муассасамизда 6 та гуруҳда 90 нафардан ошиқ 1,5-7 ёшгача бўлган болажонлар бор. Турли хил тўгараклар, рақс, каратэ спорт тури йўлга қўйилган бўлиб, гапиришда қийналаётган болалар учун махсус логопед дарслари йўлга қўйилган. Бундан ташқари, янги йил бошидан яна қўшимча гуруҳлар очишни мақсад қилганмиз. Бугунги кунда банкдан олган кредитни ўз вақтида тўлашдан ташқари соф фойда оляпмиз. Қолаверса, 12 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган.

Иккинчи манзилда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар "Бахт" МФЙда рассомчилик ва кулолчилик билан шуғулланиб, ҳунармандчиликни йўлга қўйган Нилуфар Ярматованинг фаолияти билан танишдик.

– Тўғрисини айтсам, Президентимиз томонидан "Аёллар дафтари", "Ёшлар" ва "Темир дафтар"нинг жорий қилингани нечоғли аҳамиятли эканини ўз ҳаётимда ижобатини кўриб турибман, – дейди Нилуфар Ярматова. – Аслида, олий маълумотлиман, яъни Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини тамомлаб, хусусий ишимни йўлга қўйгандим. Кулолчилик буюмларига тасвирий санъат асарларини чизиб, мижозларга етказиб берардим. Мен ясаган буюмларни асосан хориждан келган туристлар кўпроқ харид қилиб, ўзлари билан олиб кетишарди. Бундан ташқари, чет давлатларда бўлиб ўтган кўплаб кулолчилик кўргазмаларида ҳам санъат асарларим қўйилган ва хорижликларнинг эътиборига сазовор бўлган. Карантин менинг ишимга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қўймади. Хориждан келаётган туристлар келмай қўйди. Бир сўз билан айтганда, ясаган маҳсулотларимни сота олмадим.

Қийналиб кун кечираётганимизда маҳаллада "Аёллар дафтари"да турарkансиз, деб АТ "Халқ банки" Янгийўл филиалининг масъул ходимлари келиб, шароитим билан танишиб, шундай ҳунарингиз бор экан, биз сизга тадбиркорлигингизни йўлга қўйишингиз учун имтиёзли кредит ажратамиз, дейишди ва 24 миллион 800 минг сўм маблағ беришди. Мана кўриб турганингиздек, банкдан имтиёзли кредит олиб, кулолчилик буюмларига тасвирий санъат асарларини чизиб, мижозларга етказиб беряпман. Ҳозирда фаолиятимни дадил йўлга қўйиб олдим. Банкнинг кредитини қайтаришдан ташқари, шу ҳунарим орқасидан бир ойда 5 миллион сўм соф фойда топяпман. Ўрни келганда яна шуни айтмоқчи эдимки, 3-сектор-нинг ёрдами билан кичикроқ бўлса-да дўкон ҳам қуриб беришяпти. Ясаган маҳсулотларимни шу дўконда сотаман.

Янгийўл шаҳар "Лаззат" МФЙда тўқувчилик ва тикувчилик билан шуғулланиб келаётган тадбиркорнинг иш фаолияти билан ҳам танишишдик.

– Тақдир экан, ёлғиз бошим билан бир фарзандни вояга етказаяпман, – дейди тўқувчи тадбиркор Саодат Азизова. – Қўлимдан аёл киши қиладиган ҳамма иш келади. Тўғрисини айтсам, вилоятимиз ва пойтахтимиздаги жуда кўп давлат ва нодавлат ташкилотларга, ҳаттоки хусусий тадбиркорлик субъектларига иш сўраб бордим. Ҳеч бири иш бермади. Одамга алам қиладигани фаррошликка ҳам олишмади. Шунда ўксинганимдан кечалари билан ухламасдан фарзандимга билдирмасдан йиғлаб чиқардим. Шундай кунларнинг бирида қўлимга ипак матосини олиб ўйинчоқлар тўқий бошладим. Бу тўқиган ўйинчоқларимни олдинига қўни-қўшни, таниш-билиш кўриб, сотиб ола бошлади.



Кейинчалик эса дўконларга кўрсатганимда улар ҳам олиб келинг, сотиб оламиз, дейишди. Шундай қилиб ўйинчоқлар тўқий бошладим. Аммо харидорларга етказиб беришга, яъни маҳсулот сотиб олишга имконим етмаётган эди. Боиси, фақат шундан даромадим бўлгани учун сотган маҳсулотимнинг пулидан рўзғорга ҳам ишлатганлигим учун етказа олмаётгандим. Шундай кунларнинг бирида "Халқ банки" Янгийўл филиалининг масъул ходимлари келиб, шароитим билан танишди ва фаолиятимни, яъни тадбиркорлигимни қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди. Улар ажратган маблағнинг барчасига ипак маҳсулоти сотиб олдим. Мана кўриб турганингиздек, ишларим юришиб кетди. Рўзғордан орттириб, банкнинг кредитини ҳам ўз вақтида қайтараяпман. Бундан ташқари, ишларимни кўриб ҳавас қилган бир нечта қўни-қўшнига ҳам ҳунар ўргатяпман. Менга ҳеч бир ташкилот иш бермади. Аммо банк менга ишониб кредит ажратди. Мана энди ўзимнинг шахсий ишим бор. Рўзғорим бут, ўзим севган ҳунарим бор. Бугунги ҳаётимдан мамнунман.

Медиа-турнинг навбатдаги манзилида Тошкент вилояти Янгийўл тумани "Регистон" МФЙда ойнага ишлов бериш билан шуғулланиб келаётган тадбиркорнинг иши билан ҳам танишдик. Бугунги кунда янгийўллик тадбиркор ўттиз хил турдаги ойналарни ўз хонадонида ишлаб чиқармоқда экан. "Агробанк"дан олган 60 миллион сўм кредит тадбиркорнинг фаолиятини кенгайтиришга туртки бўлди.

– Банкдан имтиёзли кредит олиб, фаолиятимизни бошладик, – дейди "Регистон кўзгулар олами" корхонаси раҳбари Лазиз Зуфаров. – Бугунги кунда ишлаб чиқараётган кўзгуларимиз ички бозорларда харидоргир. Шуни ҳам айтиш ўринлики, маҳсулотларни сотиш учун онлайн савдо ҳам йўлга қўйилган. Маҳсулотимизга қўшни давлатлардан ҳам талаб тушмоқда. Ҳозирги кунда бир кунлик соф даромад 15 миллион сўм. Келгусида ишимизни кенгайтириб, 10 га яқин янги иш ўринларини яратиш, чет давлатларга маҳсулотимизни экспорт қилишни йўлга қўймоқчимиз.

Биз сўз билан айтганда, тижорат банклари ажратаётган имтиёзли кредитлар ҳисобига кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар рўзғорини бут қилишдан ташқари, ўз тадбиркорлигига ҳам эга бўлишмоқда.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**